O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси ◊ TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган • 1999 йил 6 январь, чоршанба • № 2 (11.085) • Эркин нархда сотилади

САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

Мустақиллигимизни мустаҳкамлаш, порлоқ истиқболни яратиш йўлида кўпдан-кўп муҳим ва залворли қадамлар қўйилган, халқимиз каттадан-катта ютуқларни қўлга киритишга муваффақ бўлган 1998 йил ҳам ортда қолиб, янги 1999 йил кириб келди. Янги йил бутун ер юзида ўзгача бир шукуҳ билан кутиб олинади. Чунки олдинда олам-олам эзгу ниятлар, янгидан-янги яратувчилик режалари амалга ошадиган, кўпдан-кўп муваффақиятлар забт этиладиган янги йил туради.

Янги 1999 йил муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов номига кўплаб хорижий давлатлар ва ҳукумат раҳбарларидан табрикнома ва қутлов телеграммалари келди. Америка Қўшма Штатлари президенти Б.Клинтон ва унинг рафиқаси Х.Клинтон, Россия Федерацияси президенти Б.Ельцин, БМТ бош котиби Кофи Аннан ва унинг рафиқаси, НАТО бош котиби Хавьер Солана, Буюк Британия бош вазири Тони Блэр, Италия республиикаси президенти Оскар Луиджи Скальфаро, ГФР федерал президети Р. Херцог, ГФР федерал канцлери Г. Шрёдер, Бельгия бош вазири Ж. Л. Дехане, Хитой халқ республикаси раиси Цзян Цзэмин, умумхитой халқ вакиллари йиғини доимий қўмитаси раиси Ли Пэн, ХХР Давлат кенгашининг бош вазири Чжу Жунцзи, Корея республикаси президенти Ким Дэ Чжун, Украина республикаси президенти Л. Кучма ва унинг рафиқаси, Қозоғистон республикаси президенти Н. Назарбоев, Қирғизистон республикаси президенти А. Акаев, Тожикистон республикаси президенти И. Раҳмонов, Туркманистон президенти С. Ниёзов, Беларус республикаси президенти А. Лукашенко, Арманистон республикаси президенти Р. Кочарян, Қувайт давлати валиаҳди ва бош вазири Саад ал-Абдуллоҳ ас-Салим ас-Сабоҳ, Мальта республикаси президенти Мифсуд Бонничи, Ливан республикаси президенти Эмиль Лахуд, Гайана президенти Дж. Джаган, Жанубий Африка республикаси президенти Нельсон Мандела, Суринам республикаси президенти Хулес Алберт Вихденбош, Вьетнам социалистик республикаси президенти Чан Дик Лионг, Кипр республикаси президенти Г. Клеридис, Молдова республикаси президенти Петру Лучински номидан келган қутловномалар ана шулар жумласидандир. Уларнинг барчасида янги йил муносабати билан давлатимиз раҳбарига самимий қутловлар, мамлакатимиз халқига равнақ ва бахт-саодат истаб билдирилган энг эзгу тилаклар ўз ифодасини топган. Шунингдек, аксарият табрикномаларда мамлакатимиз қисқа давр ичида ўз давлатчилигини мустаҳкамлаш ишида, ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишда катта муваффақиятларга эришгани, Ўзбекистон фаровон ва истиқболли келажакни барпо қилиш йўлидаги саъй-ҳаракатларини изчиллик билан давом эттираётгани алоҳида таъкидланган.

Янги 1999 йил муносабати билан мамлакатимиз Президенти номига хорижий мамлакатлар давлат ва ҳукумат раҳбарларидан келаётган қутловномалар оқими тўхтагани йўқ.

(ЎзА).



ПИШИҚЧИЛИК

Қаерда? Айни қирчиллама қишда-я? Албатта, иссиқхонада-да!

— Бунга осонликча эришмадик, — дейди Тошкент туманидаги Ғиёс Умаров номли жамоа хўжалиги иссиқхонаси раҳбари Эркин Зуфаров. — Ишни бутунлай янгича ташкил этдик. Гап шундаки, илгарилари иссиқхона ҳудудига маҳсулот олиш учун хоҳлаган одам машинасида кириб чиқаверарди. Биз маъмурият билан келишиб, бундай тартибга бутунлай хотима бердик. Энди ҳатто, раҳбарларнинг машинаси ҳам ўзича киролмайди. Албатта, бухгалтериянинг ҳужжати, олинадиган сабзавот пули тўланган далолатнома бўлиши шарт! Буни қарангки, кўп ўтмай, иссиқхонада етиштириладиган маҳсулотга барака кирди қўйди.

Пудратчилар етиштирадиган помидор, бодринг ҳосилига ўзлари хўжайин. Ҳар бир килограмм маҳсулотни ҳисоб-китобдан ўтказиб, топширадилар. Йил охирида шартнома бандлари, шартлари қандай бажарилганлигига қараб, даромад тақсимланади. Унгача ойликни мунтазам олиб турадилар.

Баъзида ҳуқуқлари четлаб ўтиладиган пудратчи сабзавоткорларнинг бундай тартиб-интизомдан кўнгли тоғдек кўтарилди. Улар экин экиш, ҳосил етиштириш, парвариш ишларига алоҳида меҳр ва ихлос билан муносабатда бўла бошладилар. Шунинг учун ҳам ҳосил чўғи кўзни қувонтиради. Мана, ўтган йили 6 гектар иссиқхонанинг беш гектарига помидор, бир гектарига бодринг экилган эди. Ҳозир 2 гектарлик майдонда помидор ҳосили ғарқ пишиб етилди. Ҳар гектаридан 25 тоннадан ҳосил олинди. Режадаги 40 тонна ўрнига 50 тонна ҳосил топширилди. Бодрингдан 20 тонна ўрнига 30 тонна йиғиб олинди.

Айни кунларда қолган уч гектар майдондаги помидор ҳам қизариб пиша бошлади. Бодринг ҳосили териб олинган ерга янгидан кўчат экилмоқда. Меҳнатга яраша рағбат бўлгач, ишда унумдорлик бўлади-да. Пудратчилар ўрта ҳисобда ҳар ойига 5-6 минг сўмдан маош олишаётир.

Н. ИСАЕВ.

СУРАТЛАРДА: иссиқхонадан лавҳалар.

Даврон АҲМАД олган суратлар.

ВИЛОЯТ ҲАЁТИ

янгиликлар, одамлар, воқеалар

420 ЎҚУВЧИГА СОВҒА

ПАРКЕНТ туманида янги илм муассасаларини қуриш ишлари истиқлолнинг дастлабки йилларида белгилаб олинган аниқ дастур асосида амалга оширилмоқда.

Ўтган йили декабрь ойида Чанги қишлоғида барча қулайликларга эга бўлган мактаб очилгани ҳақида хабар қилган эдик.

Янги йил арафасида заркентликлар ҳам бундай шодиёнанинг гувоҳи бўлишди. Куни кеча бу ерда 420 ўқувчини бағрига олган билим даргоҳининг топширилишига бағишланган тантана бўлиб ўтди. Унда туман ҳокими Туроб Холтоев мазкур 42-мактаб директори Зокир Йўлдошевга мактабнинг рамзий калитини топширди. Муҳташам бинони сифатли қуришда фаоллик кўрсатган У. Миртожиев, Ж. Абдушукуров, Ў. Шодиев, Н. Ашрапов сингари бунёдкорларга турли туҳфалар тақдим этилди.

Тўйчи ДЎСТМАТОВ.

КЎПДАН КЎП ФИКР ЧИҚАР

ЎРТАЧИРЧИҚ туманидаги Охунбобоев номли жамоа хўжалигида вилоят ИИБ ходимларининг туман фаоллари билан учрашуви бўлиб ўтди.

Жиноятчиликнинг олдини олишда жамоатчиликнинг ўрни мавзусига бағишланган ушбу учрашувда вилоят ички ишлар бошқармаси бошлиғи Равшан Ҳайдаров туманда жиноят содир этилиши ва унга қарши курашнинг аҳволи ҳақида гапириб, бу муҳим ишга кенг жамоатчиликни жалб этиш зарурлигини таъкидлади.

Туман прокурори ёрдамчиси Ўғилой Оймирзаева жиноятлар содир этилишининг сабаб ва оқибатларини атрофлича таҳлил этиб, уларнинг олдини олишда жамоатчилик вакиллари билан ҳамжиҳат ишлаш масалалари хусусида гапирди. Қорасув фуқаролар йиғини оқсоқоли Раҳмат Рўзиев ва бошқалар ўз тажрибалари билан ўртоқлашдилар. Кўпчиликдан чиққан фикрлар ҳаммага маъқул бўлди.

Учрашувда ИИБ ходимлари йиғилганларни қизиқтирган саволларга жавоб қайтардилар.

Самад ЙЎЛДОШ.

ОЛИМКЕНТДА НОВВОЙХОНА

ОЛИМКЕНТ қўрғонида янги йил арафасида янги новвойхона ишга тушди. Уни тадбиркор Муроджон Жўраев ўз маблағи ҳисобига барпо этди. Натижада қўрғон аҳолиси яна бир қулайликка эга бўлди.

Новвойхонада ўн нафарга яқин киши иш билан таъминланган. Уларнинг хизматидан 15 минг аҳоли фойдаланяпти. Ҳозир корхонада ҳар куни уч-тўрт хил нон маҳсулотлари ишлаб чиқарилиб, олимкентликлар дастурхонига тортиқ қилинмоқда. Жамоа тўй-ҳашамлар ва маъракалар учун ҳам буюртмалар асосида нон маҳсулотлари тайёрлаб бермоқда.

Ҳусанбой АВВАЛОВ.

МЎЪЖАЗ МИНТАҚА

ВИЛОЯТИМИЗДА «Корхона-маҳалла» тарзида ишлаётган ўндан ортиқ ўзаро ишлаш ва ҳамкорлик қилиш иқтисодий минтақалари мавжуд. Ўтган йил охирларида уларнинг сони яна биттага кўпайди. Оҳангарон шаҳрида янги шундай минтақа фаолият кўрсатишга киришди.

Ҳозирги вақтда бундай корхоналарда 36 цех ишлаб турибди. Уларда 374 киши меҳнат қиляпти. Ўтган йилнинг ўн бир ойида улар томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажми сал кам 13 миллион сўмликни ташкил этди. Улар асосан трикотаж ва тикувчилик маҳсулотлари, гиламлар, шолчалар, чинни-фаянс ва нон-булка маҳсулотлари ишлаб чиқаришмоқда. Айни вақтда каттагина ҳажмдаги таъмирлаш-қурилиш ишларини ҳам амалга оширмоқда.

Собир МАҲМУДОВ.

БИР ЙЎЛА УЧ ИНШООТ

БЕКОБОД туманида янги йил арафасида бир йўла уч иншоот фойдаланишга топширилди.

«Деҳқонобод» хўжалигида замонавий қишлоқ врачлик пункти очилган бўлса, Ойбек хўжалигида янги мактаб биноси ўқувчиларни ўз бағрига олди. «Авангард» хўжалигида «зангори олов» ёнди. Вилоятда қишлоқ инфратузилмасини ривожлантириш дастурига мувофиқ шу йилнинг ўзида 11та қишлоқ врачлик пункти, тўққизта мактаб фойдаланишга топширилди.

(ЎзА).

1999 ЙИЛГИ ПРЕЗИДЕНТ СТИПЕНДИАТЛАРИ

Давлат фан ва техника қўмитасида 1999 йилги стипендиатлар гувоҳномасини топшириш маросими бўлди. Учрашувга шу йилги танлов ғолибларигина эмас, ўтган йиллардаги Президент стипендиатлари ҳам таклиф этилган эди.

Давлат фан ва техника қўмитаси ҳузурида ташкил этилган махсус эксперт комиссияси ва давлат стипендияларини тайинлаш комиссияси бу йил 44 даъвогардан кўп боскичли ҳар томонлама танловдан сўнг яширин овоз бериш йўли билан фан ва техникани ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича танловнинг беш нафар ғолибини аниқлади.

— Ўзбекистоннинг ақлий салоҳияти улкан, — деди давлат фан ва техника қўмитаси раиси, академик Пўлат Ҳабибуллаев 1999 йилги стипендиатларни табриклар экан. — Республикамиз мустақилликка эришгандан сўнг амалга ошира бошлаган давлат илмий-техникавий сиёсати, жумладан, истеъдодли ёшларнинг ижодий қобилиятини мумкин қадар ривожлантиришга, уларнинг илмий фаолиятга интилишини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга қаратилган.

Энг иқтидорли аспирантларга Президент стипендиясининг берилиши анъанага айланиб қолди. Вақт ўтган йиллардаги танлов ғолибларини саралаб олиш якунларининг тўғрилигини тасдиқлади. Уларнинг кўпчилиги фан номзоди илмий даражасини олиш учун диссертацияни муддатидан олдин ёқлади, танлаб олган илмий йўналишда тадқиқот ишларини муваффақиятли олиб бормоқда, айримлари эса илмий ишлар билан шуғулланиш билан бир вақтда докторантурада таълим олишни давом эттирмоқда.

Бундан ташқари, давлат фан ва техника қўмитаси Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Умид» жамғармаси йўли билан ҳар йили 20 нафарга яқин истеъдодли олимларни малака ошириш учун хориждаги етакчи илмий марказлар ва олий ўқув юртларига юбормоқда.

А. ИВАНОВА, ЎзА мухбири.

АКАДЕМИЯ — ОЛТИН МЕДАЛЬ СОҲИБИ

Ўзбекистон халқ табобати академияси Франция саноатни қўллаб-қувватлаш уюшмасининг олтин медали билан тақдирланди. Академия жамоаси дунёда кенг тарқалган сариқ ва қандли диабет касалликларини даволашда қўлланиладиган дори-дармонларни тайёрлашда эришаётган ютуқлари учун ана шу мукофотга сазовор бўлди.

— Жигар хасталикларини шифобахш гиёҳлардан тайёрланган дорилар билан даволаш яхши самара беради, — дейди академия бошқаруви раиси М. Ҳамроев. — Жамоамизнинг бу борадаги изланиши натижасида «Осиё» дамламаси ва «Ҳусайн» шарбати юзага келди. Улар пухта синовдан ўтказилганидан кейин Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни Сақлаш вазирлиги рухсати билан сотувга чиқарилди.

Францияликларда ҳам катта қизиқиш уйғотган «Осиё» дамламаси сариқ касаллигини асоратсиз даволашда яхши самара беради. Ибн Сино тилга олган ўт-ўланлардан тайёрланаётган бу дамлама таркибида 14 хил шифобахш модда бор. «Ҳусайн» шарбати эса дармонсизлик, оғиз қуруши, ташналик, оёқ-қўл оғриши, уйқусизлик каби қандли диабет асоратларини бартараф этишда қўл келади.

Б. МАНСУРОВ, ЎзА мухбири.

Беҳзод таваллудининг 545 йиллигига

ҒОЛИБЛАР АНИҚЛАНДИ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорига мувофиқ 2000 йилда Камолиддин Беҳзод таваллудининг 545 йиллиги кенг нишонланади. Мазкур санага бағишлаб пойтахтимизда буюк мусаввир номидаги музей ва истироҳат боғи барпо этилади. Ўзбекистон Бадиий Академияси ана шу мажмуа лойиҳаси учун республика танлови эълон қилган эди. Унда мамлакатимизнинг кўпгина меъморлари ўз асарлари билан қатнашди.

Танлов якунига кўра Р. Блезе бошлиқ муаллифлар жамоаси яратган лойиҳага биринчи ўрин берилиб ижро учун қабул қилинди. Р. Хайрутдинов, О. Жабборов бошчилигидаги меъморлар гуруҳларининг ишлари иккинчи ҳамда учинчи ўринларга лойиқ деб топилди.

(ЎзА).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ ХАБАР ҚИЛАДИ

1999 йил 1 январидан бошлаб Европа ҳамжамияти мамлакатларида ягона валюта — «Евро» муомалага киритилиши муносабати билан 1998 йил 31 декабрида Марказий Европа вақти билан соат 11.30да 11 давлат миллий валютасининг ЭКЮга нисбатан айирбошлаш қиймати белгиланди. Ушбу қиймат миллий валюталарнинг «Евро»га айирбошлаши якунланганича сақланиб қолади. Евроҳудуд таркибига Германия, Австрия, Финляндия, Испания, Бельгия, Ирландия, Италия, Франция, Люксембург, Голландия ва Португалия давлатлари кирди.

ЭКЮнинг «Евро»га нисбатан айирбошлаш қиймати 1:1 қилиб белгиланди. Шу вақтдан бошлаб, евроҳудуд давлатлари миллий валюталарини бошқа валюталарга нисбатан айирбошлаши фақат «Евро» орқали амалга оширилади.

1998 йил 31 декабрь куни евроҳудуд давлатлари миллий валюталарининг «Евро»га нисбатан айирбошлаш қиймати қуйидагича бўлди:

1 евро — 1,95583 Германия маркаси,
1 евро — 6, 55957 Франция франки,
1 евро — 1936,27 Италия лираси,
1 евро — 166,386 Испания песети,
1 евро — 200,482 Португалия эскудоси,
1 евро — 5, 94573 Финляндия маркаси,
1 евро — 0, 787564 Ирландия фунти,
1 евро — 40, 3399 Бельгия франки (Люксембург франки),
1 евро — 2, 20371 Голландия гульдени,
1 евро —13, 7603 Австрия шиллинги.

1998 йил 31 декабрида қайд қилинган валюталарнинг қиймати Европа комиссияси таклифига биноан Европа ҳамжамияти кенгаши томонидан тасдиқланган.

Ўзбекистон Республикаси Марказий Банки евроҳудуд мамлакатлари миллий валюталарида бўладиган ҳисоб-китобларни енгиллаштириш мақсадида вақтинча евроҳудуд мамлакатлари миллий валюталарининг сўмга нисбатан ҳисобланган қийматини белгилаб боради.

Марказий банк матбуот хизмати.

Бугунги сонда:

2-бет — Бу ҳақда вилоят Кенгаши сессиясида гапирилган эди — ҚАРЗЛАР ЮКИ ОҒИР, ЛЕКИН...

3-бет — ҚИШЛОҚ ВА ИСЛОҲОТ — БУГУННИ — ҒАНИМАТ, ЭРТАНИ — КЕЧ БИЛ

4-бет — Жалолиддин Мангуберди таваллудининг 800 йиллигига — ПАРВОН ЖАНГИ

ВИЛОЯТ ҲАЁТИ
янгиликлар, одамлар, воқеалар

АДОЛАТ — АСОСИЙ МЕЗОН

Ҳурматли таҳририят!

Яқинда телевизор орқали «Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон Декларацияси»нинг 50 йиллигига бағишланган суҳбат чоғида, олимлардан бири бу муҳим ҳужжатдаги қоидалар, тартибларнинг, кўп жиҳатлари бундан бир неча аср аввал, мусулмон дунёсида шаклланган тамойилларга ўхшаш деган гапни айтдилар. Лекин, аниқ мисоллар келтирилмади. Агар мумкин бўлса, ана шу баён қилинган фикр ҳақида чуқурроқ маълумот берсангиз. Биз қизиқиб қолдик.

Шерзод АЗИМОВ,
Тошкент давлат юридик институти талабаси.

Саволга адлияшунос олим, юридик фанлар номзоди Абдулҳаким Шаръий Жузжоний жавоб беради:

— ДУНЁГА келган инсон борки, у жамиятдан ўз ўрнини топиши, қадр-қимматга эга бўлиши, одамийлик учун яратилган ҳуқуқлардан ҳамма қатори кенг фойдаланиши керак. Бу талаб эълон қилинганлигининг 50 йиллигини барча халқлар яқинда баланд руҳда нишонлаган «Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон Декларацияси»нинг ҳар сатрига сингдирилган десак, муболаға бўлмас. Шуни айтиш лозимки, мазкур Декларацияга қадар ҳам турли замонларда омма орасидан чиққан эзгу ниятли, ажойиб истеъдод эгалари, мутафаккирлар ижодларини инсоннинг бахт-саодатга эришувига, унинг ҳурлигини таъминлаш мавзуларига бағишлаганлар. Хусусан, Абу Наср Форобий, Алишер Навоий, Саъдий Шерозий, Фузулий каби юксак тафаккур соҳибларининг дурдоналари бундан далолат беради. Умуман олганда мусулмон дунёсида шаклланган ҳуқуқий тамойиллар 1400 йилдан буён инсон манфаатларига хизмат қилиб келаётир.

1948 йилнинг 10 декабрида қабул қилинган 30 моддадан иборат бўлган Умумжаҳон Декларациясида кўзда тутилган бош мақсад ҳам ана шу.

Ўн тўрт аср илгари мусулмон ҳуқуқларида ифодаланган тартиб-қоидалар билан халқаро ҳужжат — Декларациядаги тартибларда йиллар оралиғидаги масофа ўта узоқ бўлишига қарамай, бир-бирига мос бўлган уйғунликлар борлиги эътиборга лойиқдир. Айни пайтда бундай эркбахш ҳужжатни халқлар фақат орзу қилишлари мумкин эди. Шунинг учун ҳам унинг муқаддимасида «Ассамблея ушбу Декларацияни барча халқлар ва барча миллатларнинг муштарак армони сифатида эълон қилади», дея алоҳида эътироф этилди. Унинг биринчи моддасида эса инсонларнинг озодлиги, уларнинг бир-бирлари билан тенглиги таъкидлаб ўтилган. 4-моддаси қулчилик ҳамда унинг барча шаклларини таъқиқлашга бағишланган.

Буни қарангки, Қуръони Каримда, айниқса 49-сура, 13-оятида ҳам «Барча инсонлар бир ота, бир онадан яратилиб, бир-бирлари билан тенг ҳисобланадилар. Ҳар бир инсоннинг иззат-эътибори, унинг бойлиги, миллати, дини, ирқи ва ижтимоий келиб чиқиши юзасидан эмас, балки, тақво, фазилат, яъни билимли бўлиб, эзгу ишлар билан шуғулланганлиги юзасидан белгиланади», дейилади. Пайғамбаримизнинг ҳадисларидан би-

Ҳуқуқий сабоқлар

рида эса ҳеч бир арабнинг ажамдан (араб бўлмаган кишидан), ҳеч бир ажамнинг арабдан, ҳеч бир қора таннинг қизил тандан, қизил таннинг қора тандан устунлиги йўқлиги қайд қилинган. Бошқа бир ҳадисда одамлар Ҳақ олдида баробардурлар, дейилади.

Инсон озод ва ҳур яратилган, ҳеч ким уни ўзига қарам қилиб қулга айлантириш ҳуқуқига эга эмас. Имом ал-Бухорий ривоятига кўра пайғамбаримизнинг бир ҳадисларида Аллоҳ қиёмат куни уч тоифадаги одамларнинг душмани бўламан, улардан бири «озод ва ҳур кишини қул қилиб сотиб, ундан ундирган пулни сарфлаган инсонни», деган экан.

Мусулмон ҳуқуқларида бора-бора шундай қоидалар қабул қилиндики, бу тартиблар қуллар учун ўрта асрдаги чидаб бўлмайдиган оғир шароитни енгиллаштирди ва уларни озодликка чиқариш учун замин яратиб, қулчиликка хотима бериш қоидаларини жорий этди. Ҳазрат Муҳаммад Саллаллоҳу Алайҳи вассаллам Абу Зафар Фофурийга «Қулларингиз оға-иниларингиздурлар, ўз еганларингиздан уларга едиринглар ва ўзингиз кийган кийимлардан уларга кийдиринглар», деб тавсия этган эди. Журжий Зайдон «Ислом маданияти тарихи» китобида ёзишича, пайғамбарлар «Қулга у бажараолмаган ишни юкламанглар», «Қулларни чўри ва қул деманглар, уларни ўғлим, қизим деб, хитоб этинглар» деб буюрган эканлар. Ана шу ҳолатларнинг ўзиёқ мусулмончиликда инсон қадрига бўлган юксак эътиборни кўрсатади.

Яна шуни ҳам айтмоқчимизки, мусулмон ҳуқуқида қулларни озод қилишнинг йигирмадан ортиқ тартиблари мавжуд бўлган. Ҳатто, давлат хазинасидан маълум бир қисми қулларни ҳурликка чиқаришга сарфланган.

Мусулмон ҳуқуқи қоидаларига биноан ҳар бир инсон ваколатли суд томонидан унга қарши ҳукм чиқарилмагунича «Бариуззимма», яъни гуноҳсиз деб ҳисобланган. Ана шу тартибга кўра ҳеч кимни қийнаш ва исканжа қилиш мумкин эмас, жабру зулм ва ҳар қандай қийноқ билан олинган маълумотлар суд томонидан рад этилган. Мусулмон давлатларида мусулмонлар билан зиннийлар (мусулмон бўлмаган фуқаролар қонун олдида тенг бўлганлар). Ҳазрат Али уларнинг қони ҳам бизларнинг қонимиз кабидир, деган эди. Темурийлар даврида мусулмон бўлмаган фуқаролар учун ҳам давлат идораларида катта ўринлар берилган. Масалан, Султония Усқуфи соҳибқирон Амир Темурнинг яқин маслаҳатчиси бўлиб, Оврупо давлатларига элчи қилиб юборилган эди. Ислом давлатларида, айниқса, Темурийлар давлатларида ўзга дин тарафдорларини камситиб, уларга ҳурматсизлик кўрсатган кимсаларни жазолаганлар. Ҳатто, инсонлар ҳуқуқидан ташқари, ҳайвонларни ҳимоя қилиш ҳам муҳтасидлар вазифаларидан деб билинган. Ҳайвонларга ҳаддан ортиқ юк ортишга, ярадор ва касал ҳайвонлардан фойдаланишга рухсат берилмаган. Бу тартибга риоя қилмаганлар жазоланганлар.

Хулоса қилиб шуни айтмоқчиманки, инсон ҳуқуқлари халқаро декларациясидаги барча маромлар, ҳуқуқий меъёрлар, мусулмон ҳуқуқи тизими ва унинг асосий манбаларида бундан ўн тўрт аср илгариёқ мавжуд бўлган. Демак, улар билан халқаро декларация тамойилларида анчагина уйғунликлар бор, деб бемалол айтиш мумкин.

Абдулҳаким Шаръий ЖУЗЖОНИЙ,
юридик фанлари номзоди.

Бу ҳақда вилоят Кенгаши сессиясида гапирилган эди

ҚАРЗЛАР ЮКИ ОҒИР, ЛЕКИН...

ОЧИҚ турдаги Чирчиқ қишлоқ хўжалик машинасозлиги ҳиссадорлик жамияти жамоаси қўлидан чиқаётган турли-туман машина-механизмлар республикамиздагина эмас, хориждаги кўплаб пахтакор мамлакатларда ҳам маълум. Бозор иқтисодиётига ўтиш даври машинасозлар олдига ҳам қатор муаммоларни кўндаланг қилиб қўйди.

Жумладан, асосий материал — металлни четдан олиб келиш ниҳоятда қийинлашди, оқибатда ишлаб чиқариш ҳажми пасайди. Лекин, сўнгги вақтларда уни етказиб берувчилар билан алоқаларни тиклаш йўлидаги уринишлар ўз мевасини бермоқда. Натижада, ишлаб чиқариш ҳажми ортиб бормоқда, маҳсулот турлари кўпаймоқда.

Ҳозир корхонада пахтачиликда ишлатишга мўлжалланган, айниқса, тупроққа ишлов берадиган бир неча хил машина-механизмлар тайёрланмоқда. Культиватор ҳамон асосий маҳсулот бўлиб қолмоқда. Бундан ташқари, буюртмачиларга кўрак терадиган машиналар, сихмола, сўқа ва уларга эҳтиёт қисмлар етказиб бериляпти.

Жамият ишчи-хизматчилари илгари ишлаб чиқарган машина-механизмларнинг анчагина қисми эскирган бўлса ҳам, ҳамон хўжаликларда фойдаланиляпти. Уларни қайта тиклаш, таъмирлаш лозим. Машинасозлар бу масалада пахтакорлар талабини ҳисобга олдилар. Яқинда корхонада қишлоқ хўжалик машиналари тугунларини таъмирлаш-тиклаш ишлари бўйича махсус бўлим ташкил этилди. Бўлим жамоаси ўтган йилнинг биргина тўртинчи чорагида эса камида 12,5 миллион сўмлик шундай таъмирлаш-тиклаш ишларини бажариш юзасидан белгиланган маррани муваффақиятли эгаллади.

Корхонада асосий маҳсулот турларидан ташқари кенг истеъмол буюмлари ишлаб чиқариш ҳам йўлга қўйилиб, тобора кўпайтириляпти. Ҳозиргача уларнинг хили ўнтага яқинлашиб қолди. Пайвандлашда фойдаланиладиган электродлар, симтўрлар, белкураклар, катта ва кичик ўлчамдаги черепицалар, тўсиқлар ва бошқалар шулар жумласидандир.

Йил бошида бироз тиғиз бораётган иш кейинги ойларда маромга тушиб қолди. Шу туфайли олдинги йилдагига қараганда сезиларли силжиш бўлди. Ўтган йилнинг тўққиз ойида сотилган маҳсулот ҳажми 871 миллион, олинган соф фойда эса 106 миллион сўмга етди. Олдинги йили эса бу кўрсаткичлар тегишлича 654,5 миллион ва 65 миллион сўм бўлган эди.

Корхона бундан уч йил илгари очиқ турдаги ҳиссадорлик жамиятига айлантирилганди. Ўша вақтда сертификатлар чиқарилди. Олдинги йили кўрилган фойданинг муайян қисми акциялар эгаларига тақсимланган. Бунинг учун беш ярим миллион сўм ажратилди ва ҳар бир акцияга 87,6 сўмдан дивиденд тўланди. Қимматли қоғозлар ишчи-хизматчилар учун қўшимча даромад манбаи бўляпти. Ўтган якунда ҳар бир акцияга тўланадиган дивиденд миқдори албатта кўп бўлди. Жамоанинг яна бир ютуғи — бюджетдан қарз бўлишга тўла хотима берилганидир.

Айниқса, кеч куз ва баҳорда корхона маҳсулотларига, биринчи навбатда культиватор ва сўқаларга талаб ортади, — дейди жамият раиси Жалол Тўраев. — Чунки, ҳамма жойда ерни шудгорлаш ишлари авж олиб кетади. Кўпчилик қишлоқ хўжалик корхоналарининг сармоялари кам, зарур машина-механизмларни сотиб олишга қурбилари етмайди. Шундай шароитда жамоамиз уларга сўраган нарсаларини бермаслиги мумкин. Лекин, бу хўжаликларнинг мушкулини янада оғирлаштиради. Оқибатда дебитор қарз кўпаймоқда. Олинган машина-механизмлар пули вақтида тўлаб турилса айни муддао бўларди. Мутасадди ташкилотлар бу масалада хўжаликларга ёрдам беришлари лозим.

Буюртмани маблағ йўқлиги туфайли ўз вақтида олиб кетмаслик ҳам жамоа учун катта ташвиш туғдирмоқда. Ҳозирги вақтда корхона омборида юзларча миллион сўмлик тайёр маҳсулотлар тўпланиб ётипти. Улар асосан «Ўзқишхўжтаъминоттаъмирлаш» қўмитаси буюртмаси билан тайёрланган. Корхона раҳбарлиги тўпланиб қолган машина-механзмларни сотиб оладиган харидорларни изламоқда. Яқинда шундай ҳаридор Туркманистондан топилди. Бу мамлакатга салкам етти юз минг АҚШ долларилик маҳсулот етказиб беришга келишилди. Албатта, бу кам, лекин, ҳарнада. Демак, харидорлар изслаш лозим, корхона маъмуриятидан эса бу соҳадаги саъй-ҳаракатларни эса янада кенгайтириш талаб этилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашининг навбатдан ташқари бўлиб ўтган сессиясидаги нутқида вилоятдаги корхоналарнинг дебиторлик ва кредиторлик қарзлари миқдори камаймаётганлигига эътиборни қаратдилар. Бу ҳар бир саноат корхонаси жамоаси зиммасига қарзларни камайтириш ва бартараф этиш учун ҳамма чора-тадбирларни кўриш вазифасини юклайди. Халқ хўжалигига, меҳнат жамоаларига фақат ортиқча юк бўлиб, фойдасиз ётган бундай маблағларни ундириш ва тўлашга эришиш лозим. Бу ҳар бир корхонанинг айланма маблағлари кўпайишига, уларнинг самараси ортишига олиб келади.

Мирсобир МИРҲАМИДОВ.

АҲОЛИ ҚУВОНЧИ

Янгийўл тумани Назарали Ниёзов номидаги хўжалик аҳолиси янги йил арафасида қурувчилардан ажойиб совға олди. Бу ерда янги қишлоқ врачлик пункти фойдаланишга топширилди. Етти ярим мингдан ортиқ аҳолига малакали тиббий хизмат кўрсатишга мўлжалланган мазкур иншоотни қуриш ва жиҳозлашга 25 миллион сўм маблағ сарфланди. Вилоятда бундай даволаш-профилактика муассасаларининг сони 65тадан ошди.

Тадбиркорлик иқтисодиёт келажаги

ПАРҲЕЗ ГЎШТ ЧИРЧИҚДАН КЕЛМОҚДА

ЧИРЧИҚ шаҳрида бир йилдан кўпроқ вақтдан бери ишлаётган Ўзбекистон — Туркия қўшма корхонаси «Голден Винг» — «Тилла Қанот» деб аталади. Корхона ҳар куни Тошкент шаҳрига бир ярим мингта сара товуқ гўшти, бир неча юз бедана гўшти, шунингдек, бедана тухуми юборади.

Бу маҳсулотларни тошкентликлар ва пойтахт меҳмонлари харид қилишлари мумкин. Бунинг учун Тошкентнинг марказий кўчаларидан бирида, «Фан Сити» болалар ўйинлари мажмуаси қаршисида жойлашган «Голден Винг» фирма магазинига кириш кифоя. Пойтахтдаги ресторанларда овқатланувчилар ҳам шу корхонада етиштирилган гўштни истеъмол қилишлари мумкин бўлади, чунки ресторанларга ҳам корхона ўз маҳсулотини етказиб бермоқда. Ҳатто «Ўзбекистон Ҳаво йўллари» миллий авиакомпаниясига қарашли самолётларда учадиганлар ҳам парҳез таомлардан истеъмол қилишлари мумкин.

Ҳозир йиллик айланмаси деярли 80 миллион сўмни ташкил қиладиган бу корхонада парранда гўшти етиштириш билан бир пайтда қайта қуриш ишлари амалга оширилмоқда, эскирган ускуналар алмаштирилмоқда. Бу ерда янги совутиш қурилмаси ўрнатилди, унда маҳсулотларни турли ҳарорат режимида ва турли муддатларга музлатиш мумкин бўлади. Товуқ ва бедана гўштини ўраб жойлайдиган линия ишлаб турибди. Келгуси йилдан бошлаб янги сувдонлар, жўжалар ва товуқларни боқиш учун линия ўрнатиш, паррандаларни сўйиш цехини замонавий технология билан жиҳозлаш кўзда тутилмоқда.

— Ишлаб чиқаришни кўпайтириш тўғрисида гапирадиган бўлсак, — деди қўшма корхонанинг бош директори Омар Лутфу Алемдар, — келгуси йилда ҳар куни олти мингтагача товуқ гўшти етиштиришни мўлжалламоқдамиз. 2000 йилга бориб ҳар куни 15 мингта товуқ гўшти етиштирилади. 2005 йилгача бу рақам 50 мингтага етиши лозим. Маҳсулотимизнинг ҳаммаси биринчи навбатда Тошкент аҳолисига мўлжалланган бўлиб, пойтахт бозорларини ҳам тотли, ҳам фойдали ва тўйимли товуқ, бедана гўшти билан етарли миқдорда таъминлашга қаратилган. Шу мақсадда келгуси йилда пойтахтда яна бир неча фирма магазини ва ресторанлар очишни режалаштирганмиз.

О. ЗАДУНАЙСКАЯ,
ЎзА мухбири.

Корхона иш фаолиятидан лавҳалар.
Р. НУРИТДИНОВ ва Д. ЮСУПОВ олган суратлар (ЎзА).



ЭЛ РИЗҚИНИ КИМЛАР ҚИЙМОҚДА?

МАЪЛУМКИ, Тошкент вилояти мамлакатимиз чегара вилоятларидан бири ҳисобланади. Кейинги вақтларда бу вилоят орқали ўзимизнинг ҳудуддан, ўз бозорларимиздан айрим озиқ-овқат маҳсулотлари четга олиб кетилмоқда.

Қўшни мамлакатларда мана шу молларнинг нархи бизга нисбатан солиштирганда кескин кўтарилиб бораётгани бунга сабаб бўлмоқда. Баъзи озиқ-овқат маҳсулотларининг нархи биздагига қараганда икки-уч баробар қиммат бўлгани учун мўмай даромад ортидан ҳувгаи чаққон кимсалар, ўзимиздан чиққан олиб сотарлар шу вазиятдан фойдаланиб қолиб, халқимизнинг ризқ-рўзи ҳисобидан ҳаром даромад топишга уринишмоқда. Юртбошимиз халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгаши сессиясида сўзлаган нутқида бундай ҳолатларга бутунлай чек қўйиш зарурлигини алоҳида уқтириб ўтгандилар.

Айни пайтда республика ҳуқуқ-тартибот идоралари бу ҳолга қарши кураш чораларини кучайтирмоқда. Тошкент вилояти Ички ишлар бошқармасининг тезкор ходимлари томонидан ҳам йилнинг ўтган ўн бир ойи мобайнида 62 миллион сўмликдан зиёд озиқ-овқат ва бошқа товар-моддий бойликлар ушлаб қолинди. Булар орасида 50 тоннадан ортиқ шакар, 10 тонна гуруч, 16388 тонна булка нон, 39 тоннага яқин ун ва ун маҳсулотлари, 217 бош қорамол ва йилқи, шунингдек, 2,7 миллион сўмлик турли хил доридармон бор.

Хўш, халқимизнинг нонини яримта қилаётган, текин даромад орттириш илинжида иймонини ҳам сотиб юбораётган бундай учарлар кимлар ўзи?

— Мамлакатимиздан ноқонуний мол олиб чиқиб кетишга уринаётганлар бошқа давлат фуқаролари бўлса ҳам майли эди. Улар нима бўлса ҳам ўз халқи учун шундай қиляпти-да, дердик. Афсуски, ҳуқуқбузарларнинг аксарияти ўзимизнинг олибсотарлар бўлиб чиқяпти, — дейди вилоят Ички ишлар бошқармаси бошлиғининг ўринбосари милиция полковниги Шораҳим Расулов. — Баъзи бир фуқаролари-

Долзарб мавзу

мизнинг қўшни давлатлардан арзон мол излаб келувчиларга айланма йўлларни ҳам кўрсатиб бераётганига нима дейсиз?

Тошкент шаҳар Собир Раҳимов тумани ТошДУ мавзеи, 16-уй, 16-хонадонда истиқомат қилувчи 1950 йилда туғилган Тожимат Ҳожиматов умумий қиймати 539 минг сўм бўлган 980 килограмм олий навли сариёғни қаердан ва қанчадан сотиб олди экан? Шундоқ ҳам ўзимизда тақчил бўлиб турган бу маҳсулотни ярим кечаси шахсий автомашинасида айланма йўл билан Қозоғистонга олиб чиқиб кетишга қандай журъат этди ё тунги гуруҳ ходимлари томонидан ушланмаганида халқимизнинг қанчадан-қанча насибаси қийилишини наҳотки билмаса? Бешариқ тумани Олмазор кўчасида яшовчи Анор Азаматов ҳам «учарлик» бобида тошкентлик «ҳамкасби»дан қолишмайдиган кўринади. Тунги гуруҳ А. Азаматов бошқариб кетаётган «ДАМАС» русумли автомашинани текшириб кўрганида республика ташқарисига 400 килограмм мол гўшти олиб чиқиб кетаётгани аниқланди. Ҳар килограммини 400 сўмдан сотиб олган гўштни қўшни давлатларда бир неча баробар қимматига пуллашни ўйлаган А. Азаматов наҳотки харом даромаддан жирканмаса?

Текин даромад дардига аёлларимиз ҳам мубтало бўлаётгани ғоят ачинарлидир. Қибрай тумани «Ёшлик» қишлоғи 6-уйда яшовчи 32 ёшли Қуттибоева ҳамқишлоғи Томпаева билан четга мол олиб чиқишда чегара ўрнидаги канални кечиб ўтишгача боришди. Милиция ходимларининг сергаклиги туфайли умумий қиймати 127 минг 400 сўмлик 7080 дона тухум элимиз дастурхонига қайтарилди. Бўстонлиқ тумани Янгиовул қишлоғида яшовчи тоғни урса талқон қиладиган йигит Н. Хаштаев ҳам оз эмас-кўп эмас 206 килограмм қўй гўштини ташқи бозорда кўтарасига пулламоқчи бўлганида тумшуғидан илинди. Бундай мисолларни истаганча келтириш мумкин.

Республикамиз шимолий чегараларида айни пайтда Тошкент вилояти ички ишлар бошқармаси 12 ДАН маскани, 8 ҳаракатдаги пости фаолият кўрсатмоқда. Улар томонидан декабрь ойининг ўзида товар-моддий бойликларни мамлакатимиздан ноқонуний олиб чиқиб кетмоқчи бўлган 80 нафардан ортиқ шахс ушланди ва жавобгарликка тортилди. Ачинарлиси шундаки, ор-номус, инсоф-диёнатдан йироқ бундай кимсалар ўзимизда тақчил бўлиб турган маҳсулотларни ташқарига олиб чиқиш тақиқланганидан бехабарликларини важ қилиб кўрсатишмоқда. Агар шундай бўлса улар нима учун тўғри йўл қолиб, айланма йўллардан, боз устига эрта азонда ёки ярим кечада бу ишга қўл уришяпти?

Биз демократик ҳуқуқий давлат қуряпмиз. Эл осойишталиги, фаровонлигини таъминловчи адолатли қонун-қоидаларимиз мавжуд. Бу қонун-қоидаларга амал қилмаган ҳар қандай шахсга жазо муқаррар. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 182-моддасига биноан божхона назоратини четлаб ўтаётган фуқаролардаги товар-моддий бойликлар сўзсиз давлат фойдасига мусодара этилади. Борди-ю яширинча олиб кетилаётган мол кўп миқдорда бўлса нафақат мусодара билан чекланилади, балки, айбдор энг кам иш ҳақининг юз баробари миқдоригача жарима тўлайди ёки уч йилгача озодликдан маҳрум этилади.

Кўриниб турибдики, четга яширинча мол олиб чиқишга уриниш нафақат эл ризқини қияди, балки бу ишни касб қилиб олаётганларга нисбатан ғоят қимматга ҳам тушади. Бас шундай экан, нафақат ҳуқуқ-тартибот идоралари, балки маҳалла-кўй, қолаверса, кенг жамоатчилик ҳам юқоридаги каби салбий ҳолатларга қарши биргаликда курашиши лозим.

Неъмат ДУШАЕВ,
ЎзА мухбири.



ХЎЖАЛИК УЧУН ШИФОХОНА

ЎТГАН 1998 ЙИЛ мамлакатимизнинг иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий ҳаётида катта ўзгаришлар йили бўлди. Чунончи, эл саломатлигини сақлашда амалий ишлар қилинди. Бунга янги йил арафасида Ўртачирчиқ туманининг Алишер Навоий номли жамоа хўжалиги ҳудудида қуриб битказилган янги шифохона ҳам мисол бўла олади. Энди қишлоқ аҳли узоққа бормай шу ерда даволаниш, муолажа олиш имконига эга бўлди. Бундан улар ниҳоятда мамнундирлар.

СУРАТДА: шифохонанинг умумий кўриниши.

Ҳусанбой АВВАЛОВ олган сурат.

ТАРАДДУД

КУЗГИ-ҚИШКИ ЮМУШЛАРНИ КЕЧИКТИРМАНГ

ОҲАНГАРОН тумани деҳқонлари 1998 йилги иш якунларини ва келгуси йил ҳосили учун тайёргарлик қандай аҳволда эканлигини муҳокама қилдилар.

ТУМАН ҳокимлигида бўлиб ўтган йиғилишда деҳқон-фермер хўжаликлари раҳбарлари ва мутахассисларидан ташқари ҳиссадорлик жамиятларининг раислари, бош мутахассислари, ширкатчилар, қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармасининг етакчи мутахассислари, тажрибали механизаторлар иштирок этди. Туманда ғалла ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш режаси муваффақиятли адо этилди. Илғор хўжаликларда келгуси йил мўл ҳосили учун тайёргарлик ишлари ниҳоясига етказилмоқда. Жумладан, «Оҳангарон», Собир Раҳимов номли ҳиссадорлик жамиятлари, «Ангрен» ширкат жамоаси ва «Ғаллақудуқ» жамоа хўжаликларида белгиланганидан анча кўп ғалла экилиб, ниҳоллар тўла ва текис ундириб олинди. «Олмалиқ» ёрдамчи хўжалиги, «Чотқол» ширкат жамоаси, «Бирлик» жамоа хўжаликларида ғалла иккиуч мартадан суғорилди. Ариқ-зовурларни тозалаш, айрим экин майдонларининг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, далага маҳаллий ўғит чиқариш ниҳоясига етказилмоқда.

Бироқ айрим хўжаликларда ўтган мавсумдаги хатолардан тўғри хулоса чиқарилмаганлиги, ҳозирги энг долзарб ишлар пайсалга солинаётгани қаттиқ танқид қилинди. Жумладан, «Ўзбекистон» ширкат жамоасида ерларни кузги шудгорлашда техникадан яхши фойдаланилмаяпти. Бу иш «Янги ҳаёт» ҳиссадорлик жамияти, «Шодималик» ва «Дўстлик» ширкат жамоаларида талаб даражасида эмас. Шунингдек, сув йўлларини тозалаш, далаларга гўнг чиқариш, техникани таъмирлаш ишлари кечиктирилмоқда. Кўпгина майдонлардаги ғалла бир марта суғорилганича турибди.

Йиғилишда хўжаликларнинг рентабеллиги масаласига ҳам алоҳида эътибор берилди. «Анваршер», «Бўрон», «Муқаддас», «Йўлдош ота» деҳқон-фермер хўжаликларида рентабеллилик белгиланганидан 12-15 фоиз юқори бўлса, «Янги ҳаёт» ҳиссадорлик жамиятида 10 фоиз, «Шодималик» ширкат жамоасида эса 11 фоиз кам.

Йиғилишда йилни иқтисодий зарар билан якунлаган хўжаликлар ва ташкилотларни қолокликдан олиб чиқиш чора-тадбирлари белгилаб олинди.

Мўмин ҚАЮМ.

БУГУННИ — ҒАНИМАТ, ЭРТАНИ — КЕЧ БИЛ

ҚИШЛОҚ ВА ИСЛОҲОТ

«Деҳқон-фермер хўжаликларидаги аҳвол қандай» дейсизми? Яшириб нима қиламиз. Ерни олволиб, унинг умрини бекор ўтказиб, ўз билгича ишлаб, фақат шахсий манфаатини кўзлаб юрганлар кўп эди. Ҳаёт синови уларнинг сарагини саракка, пучагини пучакка чиқарди. Жуда кўплари аттестациядан ўта олмадилар. Шундай қилиб, туманимизда бор-йўғи 45та деҳқон-фермер хўжалиги фаолият кўрсатмоқда. Улар ҳам хушёр тортиб қолишган. Ишга бутунлай янгича ёндашмоқдалар. Тошкент тумани деҳқон-фермерлар уюшмаси раиси Абдуфаттоҳ АЗИМОВ бу гапларни айтар экан, Навоий номли жамоа хўжалигидаги «Миразиз» деҳқон-фермер хўжалигининг иши анча яхши йўлга қўйилган, фермер Мираҳмад Миртурсунов билан бир гаплашиб кўринг-а, унинг ишлари, тажрибалари маъқул бўлса, ажаб эмас, деди.

...Ўрта бўйли, қорачадан келган, тийрак кўзлари қулиб боқувчи Мираҳмад ака билан суҳбатимиз тезда қовушиб кетди.

— Мен деҳқончиликда озми-кўпми ютуққа эришаётган бўлсам, бу падари бузрукворимнинг хизмати, деб ўйлайман. Отам менинг энг яқин устозим, сирдошим, маслаҳатгўйим. Узоқ йил бригадир бўлиб ишладилар. Боғбонликда ўзларини Ризамат отанинг шогирди, деб ҳисоблайдилар. Ёшлари етмиш бешдан ошган бўлишига қарамай ҳали ҳам дала айланиб турмасалар кўнгиллари ўрнига тушмайди. Яхши ишларимни мақтайдилар, бундайроқ ишимни кўриб қолсалар қойиб берадилар. Бугунни ғанимат, эртани кеч бил, деб уқтирадилар.

Бурноғи йилнинг эрта баҳори эди. Боғ ташкил қилаётган экансан, бир кўриб берай, дедилар ва эринмай, ҳар бир дарахтни, ҳосил нишоналарини синчиклаб кўрдилар. Озроқ майдонга Шредердан олиб келиб, олхўри эккан эдим. Отамга ёқмади. Бу кўчатларинг бўлмайди, бузасан, деб туриб олдилар.

— Яна бир йил сабр қилайлик, эҳтимол..., — дедим оҳистагина.

Лекин, отам кўнмадилар. Ўша майдондаги бўлмағур кўчатлар ўрнига қўлбола олхўри кўчатларини экамиз, бир жой билан гаплашиб қўйдим, дедилар.

Дарвоқе, салкам икки гектар майдонда узумзор барпо қилмоқчимиз. Ярмисига етадиган бетон устунларнинг ҳар бирини 800-1000 сўмдан сотиб олдик. Қарасам бўлмайдиган, топган-тутган пулимизнинг баракасини учиради. Одам қилган ишни одам қилади-ку, ўзимиз ясай қолайлик, дедим. Кўпчиликка бу таклиф маъқул бўлди. Шағал, қум ва бошқа керакли хом ашёни олиб келиб, ўзимиз бетон устун ясашга киришдик. Ҳар биттасининг таннархи 150-200 сўмга тўғри келди.

Ҳақиқатан ҳам отам ўгитларига амал қилиб кам бўлмаяпмиз. Бир гектар майдондаги картошкадан 17 тоннадан, сабзавотдан 250 центнердан ҳосил олдик. Бошқа экинлар ҳам ёмон ҳосил бермаяпти. Бир гектар ер бизга ўртача 50 минг сўм даромад келтираётир. 300 минг сўм соф даромад қилдик. Ҳисоб варақамизда ҳозирча 200 минг сўм нақд пулимиз бор. Бу кам, албатта.

— Фермер бўлиш осон эканми?

— Қаёқда дейсиз. Лекин бу қизиқ бўлган. 1996 йилнинг май ойлари эди. Одатим бўйича эрта тонгда туриб, далага отландим. Трактор билан озроқ майдондаги экин қатор орасини юмшатдим. Сўнг тракторни дала четига чиқариб қўйиб, картошказорни кўздан кечира бошладим. Шу пайт мен томонга қараб баланд бўйли, керзовой этик, фуфайка кийиб олган одам келаётганига кўзим тушди. Раисимиз ҳам у билан бирга эди. Салом-аликдан сўнг бояги одам менинг ишларим билан қизиқа бошлади. Картошкани яхши парвариш қилибсиз, деди у. Сўнг қайси нав уруғни кўпроқ хуш кўрасиз, деб сўради.

Уруғда гап кўп, дедим мен дилимдагини ошкор қилиб. Аслида-ку, ота-боболаримиз экиб, ардоқлаб, баракали ҳосил олиб келган картошканинг қайчибарг, Обидов навлари бўлганда қани эди. Афсуски, улар йўқ бўлиб кетди ҳисоб. Ҳозирги кунда, начора, четдан олиб келинадиган уруғликка мақтал бўлиб қолдик.

— Билишимча, — дейди бояги одам, — бу пайкалда икки хил нав бор экан.

— Шунақа, — дедим. Сўнг Невский навли картошканинг бир тупини кавладим. Энг кичиги тухумдек. Жами сал кам 1 кило келади.

— Голланд навли картошка уруғи яхши эмасми?

— Агар янгиси бўлса, дедим мен ва нарироққа бориб, шу навли картошкани ковладим. Ҳосилнинг «маза»си йўқ эди. Афсуски, бурноғи йили алданиб қолдик. Бунинг устига бир килоси бизга 45 сўмданга тушди. Невский навли картошка эса беғубор. Ярим гектар ерга кузги қилиб экканман. Олинган ҳосилни фақат уруғлик учун асраб қўяман. Бу уруғлик келгуси йилда 2-2,5 гектар ерга етади. Ҳам арзонга тушади, ҳам ишончли.

Бояги одам кетгач, раис мени қойигандек бўлди. Вилоятдан келган, қишлоқ хўжалигига дахлдор мутасаддилардан экан. Бироз маҳмаданалик қилиб юбормадингми, деди раис.

— Нега энди, мен тўғри гапни, ўзимнинг фикримни айтдим, холос...

Аслида Мираҳмад бояги одамга жуда ёқиб қолган эди. Чунки, у одам раҳбар ҳоҳ тўғри, ҳоҳ нотўғри гапирсин, сизники маъқул, хўп бўлади, бажарамиз, айтганингизни, албатта, қиламиз, сира кечиктирмаймиз, деб ялтоқланиб турадиганлар билан чиқишолмасди. Шунинг учун ҳам мавруди келиб қолган эди, туманнинг Бош раҳбарига Мираҳмадни мақтаб гапирди. Яхши, рисоладаги фермерлар ана шундайлардан чиқади, деди.

... Мираҳмад аканинг ишлари, ютуғи билан қизиқиб, унинг тажрибаси моҳияти сара, кўнглидаги уруғни танлаб экишда эканлигини билиб олдик. Бу соҳада фермернинг ўз фикри бор. Бир ёқдан уруғ тайёрлаб, иккинчи ёқдан экиб бўлмайди, дейди у. Кўз остингга олиб қўйган етук ҳосилдан олинадиган уруғни бир йил сақлаш керак бўлади. Бу давр мобайнида уруғ дам олади, куч йиғади, семиради, етилади.

Мен бу гапларни эшитгач, помидор ҳосилидан сўз очдим. Айримлар билан гаплашсангиз, бизнинг томонларда помидордан яхши ҳосил олиб бўлмаяпти, аранг бир марта териб оламиз, сўнг касалликка чалинади, тупи қуриб қолади, бунга атроф-муҳитнинг ифлослиги, экологик шароитнинг ёмонлиги сабаб бўляпти чоғи, деб айтадилар. Асло айбни ўзларидан қидирмайдилар. Лекин Навоий жамоа хўжалигида бундай баҳоналарни камдан-кам эшитасиз. Бу ерда помидордан ҳам яхши ҳосил олинади. Бунинг «сири» соғлом уруғ. Бундай уруғдан олинадиган соғлом кўчат ўзини тутиб олгач, ончабунча касалликка бўй бермайди. Иннайкейин, олтингугуртдан ҳам фойдаланишнинг ҳосияти катта. Олтингугурт тупроққа аралаштириб сепилса ҳашорат, айниқса, оқ чивин қочади. Картошкага май ойида, кузгисига эса икки марта олтингугурт сепилади. Кўнгиз ўзини қўйишга жой тополмай қолади. Олтингугурт қуёш нурида олов бўлиб ёнади-да.

— Айримлар деҳқончилик — бу таваккалчилик дейишади. Сиз бунга нима дейсиз.

— Таваккалчилик қиладиган пайтлар собиқ шўролар даврига хос ярамас удум эди, деб ҳисоблайман. Негаки, у пайтда мулк умумий эди. Деҳқон уруғдан чув тушса ёки агротехникада хатоликка йўл қўйса, кўриладиган зиён умумий даромад хисобидан қопланиб кетилаверарди. Ҳозир ундай эмас. Ҳисоб-китоб билан иш қилмасангиз, зиённи ўз ёнингиздан тўлашга тўғри келади. Бола-чақанинг ризқидан қиясиз. Шунинг учун таваккалчилик кетмайди. Лекин ҳали ҳам таваккалчилик қилиб, зора бозорини бериб қолса, четга қимматроқ пулласак, даромад қилсак деб, карам экиб, у пишганида истеъмолчисини тополмай, охир-оқибатда бутун бошли даладаги ҳосилни ҳайдаб юборадиганлар ҳам учраб туради.

Лекин, биз у ёки бу экинни экишдан олдин кимга, қаерга, қачон сотишни, қанча миқдорда етказиб бериш олдон ўйлаймиз, маслаҳатлашамиз. Истеъмолчининг бели бақувват эканига ишонганимдан сўнггина у билан шартнома тузамиз. Шартномада маҳсулот сифати ва икки томоннинг лафзи асосий ўлчов қилиб олинади. Масалан, буюртмачи-истеъмолчи, бизга бир кун олдин буюртма беради: фалон турдаги сабзавот маҳсулотидан бизга шунча керак, эртага фалон маҳалдан кечиктирмай олиб кетамиз, лекин сифатли бўлиши шарт.

Сал бўлса ҳам маҳсулотни кечиктириб тайёрласак, биз айбдор бўлиб қоламиз. Кўриладиган зиённи тўлаймиз. Агар улар кечикишса, маҳсулот далада туриб қолиб, сифати бузилса, зиённи улар тўлайдилар. Ҳеч ким, ҳеч қайси томон бундай бўлишини хоҳламайди.

— Сифат ҳақида гапирдингиз. Сабзавотчиликда минерал ўғит, дейлик, селитрадан фойдаланишнинг меъёри қанақа бўлиши керак?

— Нима демоқчи эканлигингизни пайқадим. Ерга селитра солингач, биласизми, у бир ҳафта давомида тупроқдаги бор озуқани сўриб олади, сўнг илдизга беради. Шунинг учун ортиқчаси зиён, ерни ишдан чиқаради. Ҳар гектарига 300 килограммдан ортиқ селитра солмаймиз. Бунинг ҳам ўз вақти бўлади.

Деҳқоннинг йил бўйи қиладиган меҳнати самараси эрта баҳорда, кеч кузда олинадиган ҳосилнинг баракаси ва ундан келадиган даромадга боғлиқ. Шунинг учун ҳар бир тадбирни ўз вақтида ўтказиш керак бўлади. Сал эринсангиз, ютқазиб қўясиз. Ҳақиқий деҳқон эгатни кузда олиб қўяди. Биз шундай қиламиз. Сабзини сепиб, устига қипиқ солиб қўйганмиз. Январда кунлар исий бошлагач, ёппасига униб чиқади.

Биз олти гектарлик майдонда деҳқончилик қилиб, элюртга катта наф келтираётган фермер Мираҳмад ака билан мулоқот жараёнида унинг ҳар бир тадбирни амалга оширишда ўз мустақил фикри, ўз йўли бор эканлигига ишонч ҳосил қилдик.

Албатта, унинг деҳқончиликка оид айтган гаплари, тажрибалари янгилик эмас. Лекин, ҳамма иллат шундаки, биз кўп ҳолларда лоқайдлик қиламиз. Оддийгина бўлиб кўринган тажрибаларга амал қилмаймиз. Ҳозирги бозор иқтисоди шароити ҳаётдан ўрганмаган бундай деҳқонларни, бундай фермерларни четга чиқариб қўйиши мумкин.

Носир РИҲСИЕВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг маҳсус мухбири.

ХАЛҚАРО ҲАЁТ

МАМЛАКАТЛАР • ОДАМЛАР • ВОҚЕАЛАР

НАВБАТДАГИ ЭЪТИРОФ

ХАЙРЛИ иш ҳамиша парвоз қилади... Халқимизда ана шундай маънодор нақл бор. Чиндан ҳам шундай. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Марказий Осиё минтақасида ядро қуролидан ҳоли ҳудуд яратишга қаратилган ташаббусини қатъий қўллаб-қувватлаяжаклигини яна бир бор таъкидлади.

ЎЗБЕКИСТОН ВА ЖАҲОН

Ўтган йил охирида БМТ Бош Ассамблеясининг 53-сессияси қатнашчилари Бош Ассамблея 52-сессиясининг ядро хавфсизлигининг янги ҳудудини яратишни қўллаб-қувватлашга қаратилган махсус резолюциясини якдиллик билан қабул қилдилар.

Марказий Осиёда ядро қуролидан ҳоли ҳудуд яратиш хусусидаги резолюция барча давлатларни ана шундай ҳудудларни яратишга қаратилган ташаббусларни қўллаб-қувватлашга, шунингдек, минтақа давлатларини «Ядро клуби» аъзолари — беш мамлакат билан доимий мулоқотни давом эттиришга чорлади.

Мазкур ҳужжатда Марказий Осиё давлатларининг ўз ташаббусларига ҳуқуқий асос тайёрлаш бўйича ҳозирги кунга қадар амалга оширган муайян қадамлари юқори баҳоланди. Маълумки, БМТ ҳомийлиги ва техникавий ёрдамида ишлаётган минтақавий экспертлар гуруҳи 1998 йилда ўзининг икки мажлисини ўтказди. Шу билан бир қаторда ядро қуролидан ҳоли ҳудуд яратиш тўғрисидаги келгуси шартнома лойиҳасининг барча бандлари моддама-модда муҳокамадан фаол ўтказилаётганлиги мамнуният уйғотди.

БМТ резолюцияси Марказий Осиё давлатларига ядровий хавфсизлик ҳудудини яратиш тўғрисидаги шартноманинг шакл-шамойилларини ишлаб чиқишда мавжуд имкониятлар доирасида ёрдам бериш юзасидан БМТ Бош котибига мурожаатнома услубида яратилди. БМТ Бош Ассамблеяси Марказий Осиёда ядро қуролидан ҳоли ҳудуд яратиш тўғрисидаги масалани ўзининг 54-сессияси кун тартибидан ўрин олган «Ялпи ва тўла қуролсизлантириш» мавзуси остидаги модда доирасида кўриб чиқишга қарор қилди.

Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг Марказий Осиёда ядро қуролидан ҳоли ҳудуд яратиш борасидаги ташаббуси шу тариқа янги йилда ҳам ўзига хос чуқур маъно кашф этадиган бўлди.

«ЖАҲОН» АА.

ЎТГАН ИШГА САЛОВАТ

ЖАҲОН оммавий ахборот воситаларида яқинда «Қизил ҳмерлар» ташкилотининг йўлбошчилари Кхеу Сампфан ва Нуон Чеаларнинг ҳукумат маъмурларига таслим бўлиб, ўрмондан чиққанликлари ҳақида хабар берилган эди. Камбоджа бош вазири Хун Сен жафокаш Камбоджада, қандай бўлмасин, тинчлик жараёнини сақлаб қолиш учун саъй-ҳаракатлар кўрсатмоқда. Шу боис у «Қизил ҳмерлар» ташкилотининг йўлбошчилари жиноий жавобгарликка тортилмайди, деб эълон қилди. Шунингдек, улар халқаро трибуналга ҳам топширилмайди. Ўтган ишга саловат, бундан буён биз мамлакатимизда осойишталикни сақлаш вазифаларини устувор билишимиз керак, деди бош вазир.

БИР ҚАДАМ ОЛҒА

ИСПАНИЯНИНГ Баск элати яшайдиган минтақаси аҳолиси, неча йиллардирки, мустақилликка эришиш учун курашиб келмоқда. Неча бор бундай уринишлар қуролли тўқнашувларга айланди. Испания ҳукумати тўлиқ мустақиллик бермаётир, басклар эса ўз муддаоларидан қайтмаётир. Яқинда баск миллатчилари партияси етакчиси Хуан Хосе Ибарретче Баск мухтор вилояти раҳбари этиб сайланди. Шу муносабат билан Испания ҳукумати бу ўзгариш вилоятдаги миллатчилик ҳаракатларини авж олдириб юборади, деган хавотирга туша бошлади. Баск миллатчилари эса ўзларининг амалга оширган ишларини бир қадам олға силжиш, деб баҳоламоқдалар.

ОТА БОШҚА, БОЛА БОШҚА

ЯҚИНДА Исроил парламенти сайловларни муддатидан илгари ўтказиш бўйича қарор қабул қилганидан сўнг фаолият олиб бораётган партиялар сафларида ғалати воқеалар юз бера бошлади. Ҳозирги бош вазир Б.Нетаньяху маслакдошларининг қилмишларидан ўта норози бўлди. Likud партиясининг йўлбошчиси Менахем Бегиннинг ўғли Бенни Бегин эса отасининг партиясидан ажралиб чиқажаклигини ва бош вазирлик учун ўтказиладиган сайловга тайёргарлик кўражаклигини ошкор қилди. Маълумки, Б.Бегин Б.Нетаньяху ҳукуматида илм-фан вазири эди. Бироқ, бош вазир Хеврон шаҳридан Исроил қўшинларини олиб чиқиш ҳақида кўрсатма берганидан сўнг икки ўртада низолар вужудга келди. Натижада, Б.Бегин истеъфога чиқажаклигини эълон қилди. Эндиликда ўғил отаси бошлиқ likud партияси йўналишларини ҳам маъқул кўрмаётир.

ТЕРГОВ ДАВОМ ЭТМОҚДА

ИНДОНЕЗИЯНИНГ собиқ президенти Сухарто ва унинг оила аъзолари бойлиги атрофидаги миш-мишлар айни кунларда обдон авж олиб кетди. Шу боис Сухарто бошқарган йилларда мамлакат коррупция туфайли 380 миллион АҚШ доллари миқдорида зарар кўрган, деб эълон қилинди. Боз устига Индонезия матбуотида Сухартонинг 32 йиллик бошқаруви даврида унинг қариндошлари ва яқин дўстлари мўмай бойлик орттиргани ҳақида қатор мақолалар эълон қилинаётир. Айни пайтда мамлакат бош прокуратураси тергов марказида собиқ давлат раҳбарининг фарзандлари сўроққа тутилаётир. Сухарто эса ўзига қўйилган айбларни ҳамон рад этмоқда.

МАРГУМУШНИНГ ОҚИБАТЛАРИ ЭНДИ ОЧИЛМОҚДА

ЎТГАН йилнинг июль ойида Японияда катта можаро кўтарилган эди. Миллий байрамларнинг бирида маргумушдан заҳарланиш оқибатида тўрт нафар киши оламдан кўз юмиб, 63 киши касалхонага ётқизилган эди. Байрам тантаналари ўшанда азага айланди. Одамлар норозилиги авжига чикди. Полициячилар жиноятнинг изига тушиб, гуноҳкорларни топиш тўғрисида ваъда берди. Ўша ҳаттиҳаракатларнинг дастлабки натижаси бўлса керак, айрим маълумотлар энди сиртга чиқа бошлади. Ўтказилган суриштирув ва терговлар оқибатида бу жиноят Японияда суғурта компаниясининг собиқ хизматчиси — 37 ёшли аёл Масуми Хайаши томонидан содир этилганлиги маълум бўлди. Эндиликда бу хоним ўз қилмишларини қай тариқа амалга оширганлигини айтиб берса, ажаб эмас.

ДУНЁНИНГ ТУРЛИ ГЎШАЛАРИДА

ҲАШАМАТЛИ ТЎЙГА... ЖАРИМА

♦ ЯНГИ ЙИЛДАН Бирлашган Араб Амирликлари ҳудудида янги қонун амал қила бошлади. Унга кўра келин-куёвларнинг базм кечалари жуда ихчам ва камтарона ўтказилиши шарт. Кимда ким анъанавий — беш-олти кунга чўзиладиган, ўта ҳашаматли тўй қиладиган бўлса, унга 137 минг доллар миқдорида жарима солинади.

ЯШАШ ҚАНДАЙ ЯХШИ!

♦ БОШҚИРДИСТОННИНГ Старонадеждино қишлоғида Марина исмли момо истиқомат қиладилар. Шу йил бошида унинг 117 ёшга тўлганлиги расман қайд қилинди. Марина Тимофеева шундай улуғ ёшга кирсалар ҳам меҳнатни тарк этмайдилар. У кўй, эчки боқади, товуклар сақлайди, асаларилар тутиш билан шуғулланади. Унга 75 ёшга кирган катта қизи кўмаклашиб туради. Марина момо билан гаплашсангиз, «Яшаш қандай яхши!», деб завқланиб қуладилар.

ЧАНГАЛЗОР ТОМОШАГОҲ ЭМАС

♦ ФРАНЦИЯЛИК Рита ва Леон Швабахерлар кўп йиллардан буён Африка чангалзорларида саёҳат қилишни орзу қилиб келишарди. Яқинда уларнинг орзуси ушалди. Ҳашамат билан Камерунга отланишди. Бир неча кундан сўнг йўлбошловчи Али Мвамбо раҳнамолигида ўрмонга киришди. Бир ерда дам олиш учун тўхтадилар. Леон ҳордиқ чиқара бошлади, Рита кинокамерасини созлашга тушди, Али шохларга парда тутиш билан овора эди. Дафъатан даҳшатли қичқириқ эшитилди... Дарахтдан иргиб тушган баҳайбат горилла маймуни келинболани қўлтиқлаб олиб қоча бошлади. Совуққон Али милтиқдан ўқ узиб, «ўғри»ни ер тишлатди. Шу тариқа саёҳатнинг фожеага айланишига сал қолди.

(ЖАҲОН ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХАБАРЛАРИ АСОСИДА ТАЙЁРЛАНДИ).

ҚИСҚА САТРЛАРДА

➡ 31 ДЕКАБРДАН 1 ЯНВАРГА ўтар кечаси Оврупо қитъасида янги пул бирлиги — евро муомалага киритилди. Оврупо Иттифоқига аъзо 11 мамлакат миллий валютасини еврога нисбатан курсини белгилади. Шу тариқа евро расмий валюта сифатида тарих майдонига чикди. У дастлаб Финляндияда, сўнгра Олмония, Франция, Бельгия, Нидерландия, Люксембург, Испания, Италия, Австрия, Португалия ва Ирландияда амал қила бошлади. Буюк Британия, Дания ва Швеция эса ҳозирча Оврупо иқтисодий ва валюта иттифоқига кириш учун хоҳиш билдирмади. Евронинг ҳозирги курси АҚШнинг 1,17 долларига, 2 немис маркасига, 40 Бельгия франкига, 6,5 Франция франкига тенг бўлди.

➡ РОССИЯ 1999 йилни «Пушкин йили» деб эълон қилди. Машҳур рус шоирининг бу йил 200 йиллиги нишонланади.

➡ АҚШ АҲОЛИНИ рўйхатдан ўтказиш бюросининг маълум қилишича, мамлакат аҳолиси ўтган йилда 2,5 миллион кишига кўпайиб, 1999 йил 1 январида 271 миллион 645 минг 214 кишини ташкил этди.

➡ ЎТГАН ЙИЛДА Хитой Халқ Республикасида иқтисодий ўсиш 7,8 фоизга тенг бўлди, деб хабар берди ХХР давлат статистика бошқармаси. Хусусан, дон етиштириш 490 миллион тоннага етди, сармоя миқдори эса 15 фоизга кўпайди.

➡ ЮГОСЛАВИЯНИНГ Косово мухтор вилоятидаги Приштинь шаҳрида ҳукумат аскарлари билан аҳоли ўртасида қуролли тўқнашувлар бўлиб ўтди. Ҳалок бўлганлар ва яраланганлар бор.

➡ АНГОЛА осмонида БМТ тинчликсевар кучларига қарашли бўлган тайёра уриб туширилди. Унинг ичидаги саккиз нафар киши ҳалок бўлди. Бу хуружда Анголанинг УНИТА деб аталган муҳолифат жангарилари айбланмоқда.

➡ ЯНГИ ЙИЛНИНГ 3 январида «Марс полар Лэндер» номли космик аппарат фазога йўл олди. Мазкур қурилма «Дельта-2» — ракета элтувчиси ёрдамида АҚШнинг Канаверал космодромидан «Марс» сайёраси томон учирилди. Мутахассисларнинг айтишига қараганда, парвоз бир йил давом этади. Мазкур аппарат 1999 йилнинг декабрида «Қизил сайёра»га қўнади.

Жалолиддин Мангуберди таваллудининг 800 йиллигига

ПАРВОН ЖАНГИ

(достон)

Шеърият мухлислари ўртачирчиқлик шоир Ҳамид НОРҚУЛни яхши танишади. Унинг «Умр ранги», «Ойдин ниятлар» шеърий китоблари ўз ўқувчилари қалбидан жой олган. Яқинда эса «Ёзувчи» нашриётида «Ёнар сўз» деб номланган янги шеърий китоби чоп этилди.

Шоир Жалолиддин Мангуберди таваллудининг 800 йиллиги олдидан «Парвон жанги» деб номланган янги достонини «Тошкент ҳақиқати» мухлислари назаридан ўтказиш ниятида, уни таҳририятимизга тақдим этди. Мазкур асар ҳам ўз ўқувчиларини топади, деган умид билан уни эътиборингизга ҳавола этаяпмиз.

Отлар дупури эшитилмоқда. Ҳайқириқ кўкни тутиб, қуёшни ҳам безовта қилгандек...

Икки дунё орасидан ўтган гўё йўл,
От туёғи йиллар чангин тўзғитиб борар.
Қўшин шашти баланд бугун, аналҳақ қасос
Ҳар жангчининг юрагида тошни ҳам ёрар.
Парвон жанги зафар берди Жалолиддинга
Қиёфаси жиддий эди, кўзлари ёниб.
Суворийлар уни қуршаб келар тўрт ёндан
Ғалабанинг сурурига юракдан қониб.
...Чингизхоннинг юрагини ваҳима босди,
Қайдан чиқди бу довюрак, шермисол йигит.
Насо, сўнгра Қандаҳорда... кейин Чорикор...
Энди унинг қулоғига кирмас ҳеч ўгит.
Бугун Парвон жанги яна кўрсатди бир бор,
Мангуберди лашкарлари ҳақиқий ботир.
Нима бало омад кетиб борар қўлидан,
Аламларга тўйиб кетди дилда хавотир...
Қароргоҳга етиб келган чоғи кеч бўлди,
Пар ёстиққа ёнбошлади Жалолиддин ҳам.
Бугун унга Оллоҳ мадад тилади яна,
Бугун дуо ўқидилар аҳли мўмин жам.
Уйқу унинг кўзларини енга бошлади,
Кўрпачага сингаберди энди оғриқлар.
Лекин унинг қорачадан келган юзида
Нурга тўлиб ётар эди ажин-ёриқлар.
Шу пайт кимдир уни аста чақирди, гўё
Чарчоқларим мени алдар дея ўйлади.
Келган одам қўлларини кўксига қўйиб
«Султоним» деб чақиришни асло қўймади.

Жалолиддин

Хўш, нима гап, безовтасан сен?

Эшик оғаси

Минг бор узр, ҳеч иложим бўлмади, нетай,
Сўзламоққа Сиз Султоним ижозат беринг.
Аъзам Малик атрофига одамлар тўплаб
Олдингизга кирмоқ сўрар, Султоним туринг.
Билмам қандай нияти бор, айтмади менга,
Сиздан фақат ризо сўраб, мени йўллашди.

Жалолиддин

Яхши гапи бўлса керак, майли киришсин,
Ахир улар бугун жангда чиндан қўллашди.

Бироздан сўнг қароргоҳга олдинма кейин лашкарбошилар Сайфиддин Ағроқ, Аъзам Малик ва Музаффар Маликлар кириб келишди.

Жалолиддин

(кулиб)

Уйқу мени сал элтибди, узр, ўтинглар,
Қани дўстлар ўзингизни мардона билинг.
Чингизхондан гўё тортиб олган зар тўннинг
Нақ устида ўтирибмиз деб фараз қилинг.

Сайфиддин Ағроқ

Энг аввало зафар қуллуқ, Султоним сизга,
Оллоҳ яна кучимизга куч ато қилсин.
Иймон бизни тўғри йўлга бошлагувчидир,
Тупроқ қадрин ўз юртининг мардлари билсин.

Аъзам Малик

Чингизхонга дунё кўзи тор келар ҳали,
Хоразмнинг тузин тотиб кўрмоқчи, олчоқ.

Жалолиддин

Бугунгидай қуваберсак жанг майдонидан
Унга лақаб осадилар: «Чингизхон қочоқ».

Музаффар Малик

Ўлжамиз ҳам мўлдир бугун, айниқса отлар,
Бир-биридан қолишмайди учқир жонивор.
Ҳар қайсиси ағёр учун битта аламдир,
Ҳар бир тулпор туёғида зафар қони бор.

Жалолиддин

Кўк ёл отни кўрдингизми, қандай ажойиб
Бўш қўйсанг гар учай дейди ҳаттоки кўкка,
Бундай отда қиличбозлик қилсанг ярашар,
Душманнинг қоқ юрагига тиғ солиб тикка.
Бир ниятни бу кўнглимга тугдим, дўстларим,
Майли бунга сизлар қандай чора қиласиз.
Туркон хотун отамизни йўлига солиб
Узлоқшоҳни валиаҳд деб айтган, биласиз.
Отамизнинг юрагини Оллоҳ забт этди,
Кеч бўлса ҳам сўнгги куни қилди васият.
Шундан сўнг ҳам Туркон хотун йўлдан қайтмади,
Суиқасдлар уюштирди, бу не хосият?
Бандасидан топмади у, топди худодан,
Ағёр бугун боғлаб қўймиш азоб-уқубатга.
Мен отамнинг ҳурмати — чун шу кўк ёл отни
Алмаштирсам деган эдим Туркон хотунга...

Лашкарбошилар бир-бирига сирли қараб қолишди, ўртага жимлик чўкди. Шам чарсиллаб ёниб кетгандек бўлди.

Сайфиддин Ағроқ

Ёмонликка яхшиликни улаш не ҳожат,
Эй, Султоним, биз бошқа бир таклифда келдик.
Бугун жангда мард йигитнинг ишин кўрсатган
Аъзам Малик кўк ёл отга муносиб девдик.

Музаффар Малик

Жуда тўғри, Аъзам Малик қанотингиздир,
Уни сиздан кейинги зўр, шерюрак деймиз.
Туркон хотун яхшиликни билмас барибир,
Нима учун етти ётнинг ғамини еймиз.
Кўк ёл отнинг эгасини Аъзам йиқитди,
Чингизхоннинг энг паҳлавон жангчиси эмиш.
Ахир доим сиз ўзингиз айтар эдингиз,
«Мард йигитнинг баҳосини мард киши билмиш».

Жалолиддин Мангуберди чукур ўйга толди. Бундай вазият жанг майдонида бўлганида, ундан чиқиш осондек туюлди. Шамга қараб жавоб излади, сўнг лашкарбошилар кўзига тик қаради.

Жалолиддин

Мен Султонман деб сизларга қаҳр қилмайман,
Етмиш икки томиримда совиган ғазаб.
Лекин менинг бу дунёда армонларим кўп,
Шу армонлар юрагимга беради азоб.
Туркон хотун Ойчечакдай онамга зуғум
Кунларини кўп кўрсатган Оллоҳдир гувоҳ.
«Сендан битган болаларга ёруғ кун йўқ» деб
Мени зимдан йўқ қилмоқни ўйлади, эвоҳ.
Шунинг учун ёмонликка яхшилик йўйдим,
Билиб қўйсин, Ойчечакнинг ўғли қудратин.
«Чингизхоннинг энг зўр отин тортиб олибди»...
Сезсин, Мангуберди топган маъни журъатин.

Аъзам Малик

Туркон хотун ўз ўғлига вафо қилмаган,
Хатоларга очди доим кўнгил буйруғин.
Эсингизда падарингиз кенгаш чақирди:
«Тугуб қўймоқ учун келган душман қуйруғин».
Сиз қўшинни тўплаб, аввал жанг майдонига,
Урушамиз дегандингиз юзма-юз туриб.
Ҳатто устоз Ҳивақий ҳам қўллади, лекин
Хоразмшоҳ ҳеч кўнмади, лабини буриб,
Аслида бу Туркон хотун тузган тузоқдир.
Ёмонликни раво кўрмас, онам-ку ахир, —
Дея сизнинг падарингиз йўлдан қайтмади,
Шунда қўлдан чиқиб кетди ғалаба — тақдир.
Энди бўлса сиз Султоним...

Сайфиддин Ағроқ

Яхшилик дейсиз?

Жалолиддин

Балки сизлар айтган гапда жон бордир дўстлар
Муҳлат беринг, бир қарорга келиб олайин.
Маслаҳатли тўй тарқамас дейди қадимлар,
Сўнг фикримни сизга айтиб, қарор сўрайин.

Ҳар уччала лашкарбоши таъзим қилиб қароргоҳни тарк этишди. Жалолиддин Мангуберди эшик оғасига шахсий котиби Шаҳобиддин Насавийни чақиришни тайинлади. Ўзи эса чойнакдаги совиб қолган чойдан бир пиёлани тўлдириб ичди. Бироздан сўнг хонага чақирилган киши кириб келди.

Насавий

Марҳаматли эй Султоним, Ҳузурингиздаман,
Нима хизмат, бош устига эшитай Сизни.
Энг аввало қуллуқ яна бугунги зафар,
Ғалабалар тарк этмасин ҳеч қачон бизни...

Жалолиддин

(ўзи ёзган тўртликни унга ўқиб берди)

Жангда худди темирдек, базмда мисли муммиз,
Дўстга марҳаматли, ғанимга эса шуммиз.
Улуғворлигимиздан Шомга инсоф элтарлар,
Ҳайбатимиз дастидан Румга зуннар элтарлар.

Насавий

О, нақадар маънили мисра битмиш Султоним,
Форсий тилнинг гўзаллигин намоён этиб.
Сиз кўрсатган жасоратлар тирик дарахтдай
Илдизлари қуримайди йиллар ҳам ўтиб.

(Давоми бор).

Ҳамид НОРҚУЛ.

«Президент арчаси» тантаналари давом этмоқда

ҲАР БИРИДА ЮЗ ТИЛАК

КЕЧА «Ўзбектуризм» компаниясининг байрамона безатилган муҳташам зали вилоятимизнинг барча туманларидан келган 500 нафар болани ўз бағрига олди.

«Президент арчаси» тантаналарига ташриф буюрган кам таъминланган оилалар, ногиронларнинг фарзандларидан иборат бу ўғил-қизчалар шу куни ажойиб мўъжизалар, ғаройиб воқеалар, куй-қўшиқлар оғушида бўлдилар.

Адиб Анвар Обиджон асари асосида истеъдодли санъаткорлар Нодира Қурбонова раҳбарлигидаги «Томоша» болалар театр студияси ва Муборак Мирзаева бошчилигидаги «Ассалом, Қуёш» рақс гуруҳи биргаликда саҳналаштирган театр-концерт жажжиларни мафтун этиб қўйди. Улар ижрочилар билан қўшилиб, арча атрофидаги турли саргузаштларда иштирок этдилар. Қорбобога етиш йўлидаги «Тош», «Таомлар», «Оташ» салтанатларидаги ҳар хил тўсиқларни: «Бир, икки, уч, дўстликдадир куч», дея енгиб бордилар. Ақалай, Бақалай, Чақалайлар, Инжиқвой ҳамда Минғирвойлар баҳсида ростгўйлик, ҳалоллик, ақиллилик устун келишининг гувоҳи бўлдилар. Қорбобо ва Қорқиз билан учрашгач эса, болажонлар бир олам қувонч оғушида қолдилар.

Тантаналар чоғида Президентимизнинг кенжатойларга йўллаган байрам табриги ўқиб эшиттирилди. Бу қутловни улар олқишлар билан кутиб олдилар.

Иштирокчиларга катта қувонч бағишлаган мазкур тадбирни тайёрлашда «Ўзбекмиллийбанк», «Асакабанк», «ДЭУбанк», «Ўзнефтгаз», «Фармсаноат» компаниялари, «Совпластитал» ва «Соранида» қўшма корхоналари ҳомийлик қилдилар.

Байрам сўнггида кичкинтойларга Президентнинг махсус Янги йил совғалари топширилди.

Саидвали ҲАСАНОВ.

ИЖОДИЙ ИЗЛАНИШЛАР САМАРАСИ

Ўзбекистон Бадиий Академияси аллома Аҳмад ал-Фарғоний таваллудининг 1200 йиллигига бағишлаб, буюк бобокалонимиз сиймосини яратиш бўйича халқаро кўрик-танлов эълон қилган эди. Унда мамлакатимиз тасвирий санъат намояндалари билан бирга хорижий рассом ва ҳайкалтарошлар ҳам иштирок этди. Танлов якунига кўра, биринчи ўрин таниқли ҳайкалтарош, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби Илҳом Жабборовга берилди. Иккинчи ўринга ўзбекистонлик рассомлар Собир Рахметов, Жўра Асронов ва америкалик Ричард Л. Дан сазовор бўлди. Совриндорлар орасида туркманистонлик ҳайкалтарош Ботир Худойназаров, мисрлик рассом Саад Иброҳим Абдилқодир, ҳиндистонлик рассом Саффраз Аҳмад ҳам бор.

(ЎзА).

02 хабар беради

«ИШҚИБОЗЧИЛИК»НИ ҚАРАНГ!

● АНГРЕН шаҳрида «Арсенал» тадбирини ўтказиш вақтида К. Борис деган шахснинг уйи текширилганда 376 грамм портловчи модда ва 42 дона жанговар ўқ топилди.

Борис эса терговчининг саволларига ишқибозчилик учун олиб қўйгандим, деб вож-карсон кўрсатмоқда.

СОХТА ТАДБИРКОР

● ҚИБРАЙДАГИ кичик корхона раҳбари А. Собир масҳар ёғини ишлаб чиқариб, аҳолининг эҳтиёжини қондиришга ҳисса қўшмоқчи бўлибди. Бу яхши, албатта. Аммо у халқни эмас, ўз манфаатини кўпроқ ўйлаган кўринади. Чунки, текширилганда ҳеч қандай ҳужжатсиз ишлаганлиги маълум бўлди. Буни корхонадан топилган 4 тонна масҳар ва 50 литр ёғ исботлаб турибди.

ЎЗИНГДАН ЧИҚҚАН БАЛОГА...

● ОЛМАЛИҚ шаҳар тоғ-металлургия комбинатида 3400 килограмм рангли металл ўғирлаб кетилганлиги маълум бўлди. Олиб борилган тезкор тадбирлар натижасида ўғирлик шу корхона бош механиги ва ишчиси томонидан содир этилганлиги аниқланди.

ТАЛОНЧИЛАР УЗОҚҚА БОРОЛМАДИ

● ТОШКЕНТ туманида икки номаълум шахс қашқадарёлик Сафарали Кенжаевни қўрқитиб, 710 минг сўм пулини олиб кетишди. Милиция ходимларининг тезкорлиги натижасида ушбу жиноятни ҳеч қаерда ишламайдиган тошкентлик Жалолиддин ва Бахтиёрлар содир этганлиги аниқланди.

ТУМШУҒИДАН ИЛИНДИ

● ОЛМАЛИҚ шаҳрида «Тозалаш» тадбирини ўтказиш вақтида ҳеч қаерда ишламайдиган Владимирнинг уйидан 17та қутичада «опий» гиёҳванд моддаси топилди. У айни кунларда терговчи саволларига жавоб бермоқда.

ТУНГИ ШАРПАЛАР

● ТУНДА катта тезликда келаётган «КамАЗ» автоулови Ангрен шаҳри осойишталик посбонлари эътиборини тортди. Машина тўхтатиб, текширилганда, Қозоғистон фуқароси Султонмурод ва Абдусаломлар ўзаро тил бириктириб, 12 тонна кўмирни ўғирлаб, Чимкент вилоятига олиб чиқиб кетаётганлиги маълум бўлди.

Мақсуда СУЛТОНОВА.

ИҚТИДОРЛИ ЁШЛАР КОНЦЕРТИ

Ўзбекистон Бастакорлар уюшмаси иқтидорли ёшларни аниқлаш ва уларнинг маҳоратини тарғиб этиш бўйича кўпгина ибратли ишларни амалга оширмоқда. Куни-кеча уюшма залида ўтказилган классик мусиқа концерти ҳам ана шундай тадбирлардан бири бўлди. Концертда пойтахтдаги ўқув юртларининг иқтидорли талабалари иштирок этди. Улар орасида Суннат Иброҳимов, Беҳзод Абдуллаев, Лола Астанова, Алия Рисалиева каби ёш созандалар бор. Уларнинг фортепиано, виолончель, скрипкада ижро этган асарлари мухлисларда катта қизиқиш уйғотди.

(ЎзА).

ОФАТГА ҚАЛҚОН... ҚОПЛОН

ЯНГИ ЙИЛ ОҚШОМИДА БЎЛГАН ВОҚЕА

ЯҚИНДА бир танишим ўтган янги йил кечасида бўлиб ўтган бир воқеани гапириб берди:

— Ҳар йили янги йилни биз ниҳоятда орзиқиш билан кутамиз ва тантана билан нишонлаймиз. Бунинг сабаби бор. Онамиз 31 декабрь оқшомида туғилганлар. Шунинг учун ҳам бу кун биз учун қўш байрамга айланади.

Мен кенжа ўғилман. Уч акам, тўрт опам бор. Ҳаммамизни барака топқур онамиз етимлигимизни билдирмай оқ ювиб, оқ тараб, ҳалол меҳнат билан ўстирдилар. Ҳозир ҳаммамиз бола-чақалимиз. Онам мен билан турадилар. Байрам кунлари ёки тўй-ҳашамлар бўлса, уйимиз одамга тўлиб кетади. Неваралари элликка яқин.

Онамнинг туғилган кунларини нишонлаш учун бу гал ҳам опа-акаларим фарзандлари билан келишди. Эрталабданоқ кечки дастурхонга тайёргарлик бошланиб кетди. Болаларни айтмайсизми, ўзларида йўқ хурсанд. Ҳовлини бошларига кўтариб мириқиб ўйнашяпти.

Хуллас, кеч бўлди. Соат ўн иккиларга яқинлашганда ўчоқ бошида қуймаланаётган қизлар ҳам, келинлар ҳам бироз тин олиб, ноз-неъмат тўла дастурхон атрофига жам бўлишди. Ўйинқароқ болаларнинг айримлари уйқуни ура бошлашди. Қозонда овқат қайнамоқда. Мантилар тугилиб тайёрлаб қўйилган.

Соат миллари ўн иккига бир неча дақиқа қолганда бирдан итимиз қаттиқ ҳура бошлади. Мен ўрнимдан турмоқчи эдим, акаларимдан биттаси:

— Қўявер, бирорта мушук-пушук ўтиб қолгандир, — деб турғазмади. — Янги йилни кутиб олайлик, кейин қарарсан.

Шу пайт кичик акамнинг ўртанча ўғли ранги қути ўчган ҳолда онасининг олдига келиб ўтирди. Мен ит болани кўриб акиллаган бўлса, у қўрқиб қочиб келган шекилли деб, анча таскин топдим.

Аммо, итнинг ҳуриши авжига чиқа бошлади. Ҳеч бунақа қаттиқ вовилламасди, деб ўйладим-да, «ҳозир» деб остонага чиқдим. Кўриб турибман, ҳамма мени кутиб турибди. Ташқарида кўринишим билан «қоплон» олдимга қаттиқ ҳуриб келди-да, шахд билан ошхона томонга отилди. Кўнглим бирор нохушликни сезиб, ит ортидан югурдим. Борсам ошхонада тахлаб қўйилган яшчиклар ёнмоқда...

Тезда уйдагиларни чақирдим. Аланга томга ўтай деб қолган, у ерда эса лиқ тўла хашак... У ёғига уй ёниши аниқ эди. Ҳамма югуриб чиқди. Ўн беш дақиқалар ичида алангани ўчирдик. Орада янги йил ҳам кирди. Биз онамизнинг туғилган кунлари ва янги йилга бағишланган кечамизни давом эттирдик.

...Мана 1999 йил ҳам кириб келди. Яна уйимиз меҳмонлар билан тўлди. Дастурхонлар ёзилди. Мен эса «қоплон»ни ҳам алоҳида меҳмон қилишни унутмадим.

Каримжон РИХСИЕВ.

«ТОШВИЛЙЎЛОВЧИТРАНС» ДАВЛАТ-АКЦИОНЕРЛИК КОНЦЕРНИ ТАРКИБИГА КИРУВЧИ

«ЧИНОЗ АТС»

ОЧИҚ ТУРДАГИ АКЦИОНЕРЛИК ЖАМИЯТИ «ЧИНОЛ» ОЧИҚ ТУРДАГИ АКЦИОНЕРЛИК ЖАМИЯТИ БИЛАН БИРЛАШТИРИШ ТАРЗИДА ҚАЙТА ТАШКИЛ ЭТИЛИБ

ЎЗ ФАОЛИЯТИНИ ТЎХТАТАДИ.

ДАЪВОЛАР ЭЪЛОН ЧИҚҚАН КУНДАН БОШЛАБ 30 КУН ДАВОМИДА ЧИНОЗ ТУМАНИ, КОДИ-8 — 259, 32-116, 34-133 РАҚАМЛИ ТЕЛЕФОНЛАР ОРҚАЛИ ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Об-ҳаво

РЕСПУБЛИКА обҳавони кузатиш бош бошқармаси мутассадиларининг хабар беришларича пойтахтимиз ва Тошкент вилоятида ҳаво бироз булутли бўлади, аммо ёғингарчилик кутилмайди. Кечалари ва эрталаб туман тушиши мумкин. Кечалари 5-10 даража совуқ бўлади, кундуз кунлари эса ҳарорат бироз кўтарилиб 1 даража совуқ, 4 даража илиқ бўлиши кутилади.

Тошкент шаҳар Статистика Бошқармаси томонидан Тошкент вилоят «MATLUBOTSAVDO» ҳиссадорлик компанияси номига берилган № 1420, код ОКПО 01802204 рақамли гувоҳномаси йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

30 декабрь куни «Аския» бозорида Яккасарой туманидаги «Ибн Собит ҳожи» хусусий ишлаб чиқариш тижорат фирмасининг бухгалтерия ҳужжатлари ва «Микротак элит» телефони солинган қора дипломати йўқотилган. Уни топган кишидан мукофот эвазига қайтаришини сўрайман. Телефонлар: 56-83-01, 130-25-40 Вали.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ • TOSHKENT HAQIQATI

Муассис: ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир Фатҳиддин МУҲИДДИНОВ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.

Телефонлар: хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 133-40-48; Эълонлар: 133-99-15, 136-57-27.

● Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.

Рўйхатдан ўтиш тартиби: №8. Буюртма Г-06. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. *Саҳифаловчи: Музаффар ҚЎЧҚОРОВ.* Адади 10.550 нусха.

"Шарқ" нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. Нашр кўрсаткичи: 205 Босишга топшириш вақти – 20. 30. Босишга топширилди – 19.30. 1 2 3 4 5 6